# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 20 июль, № 142 (5562) Жума


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги, янада такомиллаштирилган, очиқ ва ошкора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича **иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.**

Натижада 2000 йил билан таққослаганда, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, **ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари** эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, сер-харажат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган "Бизнесни юритиш" ҳисоботини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2. Қуйидагилар бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш;

ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хом ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиб бериш;

статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар — вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013 — 2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар — вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастурига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, "Интернет-банкинг" тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари;

юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

"бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик учун янада кенг эркинлик бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан кенг кўламдаги тушунтириш ишлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 июль



# Ривожланиш суръатлари – барқарор ва изчил

*Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2012 йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.*

### Ислоҳот

Мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан танишар эканмиз, беихтиёр уни дунё иқтисодиётида кузатилаётган кучли инқироз оқибатлари билан таққослаймиз. Негаки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари пасаяётган бир пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Бу давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилган Инқирозга қарши чоралар дастури юқори самара бераётгани, барқарор ривожланиш суръатлари таъминланаётганининг яна бир тасдиғидир. Буларнинг бари ҳақли равишда халқаро экспертларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

**2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши**

**8,1**

**фоизни ташкил этди.**

Амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўтган даврда, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсишига замин яратди. Бу эса иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича кўплаб лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши, фаол инвестиция сиёсати натижасидир. Буни 6 ой мобайнида 531 янги ишлаб чиқариш объекти фаолияти йўлга қўйилгани мисолида яққол кўришимиз мумкин. Чунончи, улар орасида 25 та янги иш ўрни яратилган, "Электр қувват қурилмалари" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳам бор. Бу ерда дунё стандартлари даражасида 0,4 кВ кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Унинг биринчи босқичидаёқ йилига 100 минг дона трансформатор ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

# Маҳалла маслаҳатчилари танлови

*Мамлакатимизда маҳалланинг нуфузини ошириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.*

Хусусан, 2005 йилдан буён республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови, шубҳасиз, ушбу ноёб тизимнинг ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, етук инсонлар қилиб тарбиялаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги фаолиятида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Шу кунларда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

# Глобаллашув жараёнлари ва ижтимоий тармоқлар

Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ахборот технологиялари соҳаси экспертлари, олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида ҳозирги ахборот майдонида рўй бераётган ўзгаришлар хусусида фикр юритилиб,

(Давоми 2-бетда).

# Потсдамда Ўрта Осиёнинг сув ва экология муаммолари муҳокама қилинди

*Ўрта Осиёнинг экология муаммолари ва минтақамиз трансчегаравий дарёларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ҳамон хорижий мамлакатлар илмий тадқиқот ва эксперт-таҳлилий доиралари вакилларининг диққат-эътиборидаги мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Потсдам шаҳрида жойлашган Гельмгольц номидаги Германия геология тадқиқот марказида (GFZ) ташкил этилган давра суҳбати ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.*

### Дунё нигоҳи

Айтиш жоизки, GFZ Германияда геология масалалари билан шуғулланадиган етакчи илмий муассасалардан бири ҳисобланади. Марказ 1992 йилда XIX асрдан буён фаолият кўрсатиб келган уч йирик тадқиқот муассасаси — Ер физикаси марказий институти, Геофизика институти ва Германия Фанлар академияси ҳузуридаги Юқори геодезия институти негизида ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда).

# Баркамол авлод тарбияси – устувор мақсад

*Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Парламент ҳаёти

Унда бола ҳуқуқлари кафолатларига оид қонун ҳужжатларининг Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиш якунлари муҳокама этилди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тегишли идоралар ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Йиғилишда мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олишлари, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча ҳуқуқий-ташкилий шароитлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Муҳокамаларда вилоятда бола ҳуқуқлари кафолатларига оид қонун ҳужжатлари талабларини бажариш борасида бир қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинаётгани қайд этилди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар бўлимлари томонидан жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигига йўл қўймаслик бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар таъсирчанлигини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятда ушбу масалага бағишланган бир қатор ўрганишлар ва тадбирлар ўтказилди.

Қолаверса, умумтаълим мактабларида жабҳага доир ҳуқуқий механизмларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш, ижро мониторингини юритишга ихтисослаштирилган марказлар ташкил этилган. Айни чоғда соҳага доир ишларнинг бажарилиши бўйича умумий маълумотлар базаси яратилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани бу борадаги яна бир самарадорлик омили бўлаяпти.

Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик Кенгаши томонидан ўзгалар қаровига муҳтож болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилаётгани, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари, давра суҳбатлари ўтказилаётганига тўхталиб ўтилди. Булар, ўз навбатида, бола ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришга хизмат қилмоқда, албатта.

Йиғилишда тегишли ташкилот ва органларнинг фаолияти ҳамда масъулиятини янада кучайтириш, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Глобаллашув жараёнлари ва ижтимоий тармоқлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жумладан, шундай дейилади: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радиотелевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган мана шундай оқилона сиёсат ҳаётда ўзининг ёрқин ифодаларини топмоқда. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида яратиб берилаётган улкан шарт-шароитлар туфайли ушбу соҳа Ўзбекистон иқтисодиётининг энг жадал тараққий этиб бораётган йўналишларидан бирига айланди. Масалан, интернет хизмати кўрсатиш тарифлари босқичма-босқич пасайтирилиб, халқаро тармоқларга чиқиш имкониятлари тезлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Интернет — улкан маълумотлар базасига эга. У орқали исталган вақтда, исталган мавзуга оид, айтайлик, бизнес, таълим, илм-фан, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, кино саноати ёки бошқа соҳа бўладими, ахборот олишингиз мумкин. Бугунги кунда мулоқот қилишнинг энг оммабоп турига айланган бундай тармоқлар ўзининг кўп миллионлик аудиториясига эга бўлиб, асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Буни яхши биладиган турли мафкуравий марказлар ёт ғоялар ва маданиятларни улар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳам глобал ахборот майдонида юзага келаётган бундай ғаразли уринишларга бепарво бўлишимиз мумкин эмас.

Мутахассисларнинг фикрича, медиабозорни мамлакатимизда ишлаб чиқилган тармоқ хизматлари ва маҳсулотлари билан тўлдириш, Интернет фойдаланувчилари аудиториясини миллий домен ресурсларига жалб қилиш орқали масаланинг ижобий ечимига йўл топиш мумкин.

Давра суҳбати давомида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари республикамизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ижтимоий тармоқлар ва тармоқ мулоқот ресурслари миллий сегментининг ҳолатини ўрганиш мақсадида социологик сўров ўтказишди. Ушбу тадқиқот, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида илмий иш олиб бораётган ва бевосита шу соҳада фаолият юритаётган экспертлар фикрини ҳам ўзида мужассам этган.

Тадбирда йиғилганлар ана шу социологик сўров натижалари билан таништирилди. Унда келтирилган маълумотлар юзасидан мутахассислар, экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбатида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳалла маслаҳатчилари танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги кунда Жиззах вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 243 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторов. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида ўтказилган кўрик-танловда маҳалла маслаҳатчиларининг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги фаолияти ўрганилди. Шу билан бирга, истиқлол йилларида маҳаллаларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларнинг ўзига хос қадрият ва анъаналари, маънавий меросимиз кенг тарғиб этилди.

Танловда биринчи ўринни эгаллаган Жиззах туманидаги “Зиёкор” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Зоиржонова республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Кўрик-танловнинг Нукус шаҳрида ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси босқичида эса маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш борасида самарали меҳнат қилаётган 377 маслаҳатчи орасидан сараланган 16 нафар иштирокчи ўзаро баҳс олиб борди. Якунда Нукус туманидаги “Саманбой” қишлоқ фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Бердибаева ғолиб, деб топилди.

— Ютуқларимиз замирида Юртбошимизнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларига бўлган эътибори, чексиз ғамхўрлиги мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, — дейди у. — Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бунинг яққол исботи бўлди. Биз ана шу ғамхўрликка жавобан меҳнат қилаяпмиз. Натижада ҳудудимизда нотинч оилалар сони камайишига эришилмоқда. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Зеро, уларни ёт ғоялар таъсиридан асраш, Ватанимизга садоқатли фарзанд этиб тарбиялаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда Сирдарё вилоятида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-маданий, сиёсий, тиббий маданиятини ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш йўлида 204 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Улардан 12 нафари танловнинг вилоят босқичида қатнашди.

Қизиқарли кечган мусобақа якунида Ширин шаҳридаги Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Холиқулова ғолиб бўлди.

— Низомда белгиланган шартлар бўйича баҳс олиб бордик, — дейди у. — Жумладан, иш фаолиятимизда дуч келадиган муаммоларга оқилона ечим топишга оид шарт биз учун ҳам қизиқарли, ҳам аҳамиятли бўлди. Нега деганда, масалани жойида, тезкорлик билан ҳал этолган маслаҳатчигина ҳудудда барқарорликни таъминлашга эришади ҳамда одамлар орасида ҳурмат қозонади. Умуман олганда, бундай тадбирлар фаолиятимизни янада кучайтиришда қўл келади, албатта.

Кўрик-танловнинг Хоразм вилоятида ўтказилган ҳудудий босқичида 11 нафар маслаҳатчи иштирок этди. 390 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар орасидан сараланган иштирокчилар томонидан тақдим этилган ўз фаолиятларига оид кўргазма ва саҳна кўринишлари барчада илиқ таассурот қолдирди.

— Юртимизда оила мустаҳкамлигига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби, Янгиариқ туманидаги “Каттабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Султонпошша Эгамова. — Зеро, оила мустаҳкам экан, жамиятда тинчлик ҳукм суради, ривожланиш, тараққиёт изчил давом этади. Шу боис фаолиятимизни “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида самарали ташкил этиб, бу борада муайян натижаларга эришиб келаяпмиз. Баҳсда ғолиб бўлишим ана шу омиллар билан ҳам боғлиқ. Эндиликда республика босқичида фаол қатнашишга ҳаракат қиламиз, албатта.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичлари ғолибларига ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Жойларда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

Бандлик

***Бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ёрдамида 35 нафар хотин-қиз тикувчилик йўналишида касб ўрганиб, муайян малакага эга бўлди. Улар Ромитан туманидаги Янги турмуш қишлоғида фаолият кўрсата бошлаган “Шарофат инвест текст” қўшма корхонасининг доимий ишчисига айланди.***

## Амалий кўмак ифодаси

Қаровсиз ётган бино корхона муассислари томонидан 130 миллион сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Замонавий тикув-бичув дастгоҳлари ўрнатилди. Бу ерда қисқа муддатда 50 миллион сўмликдан ортиқ етти турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланди.

Жорий йилда туманда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қиймати 2 миллиард 600 миллион сўмликдан ортиқ 6 та ана шундай лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Иш ўринлари яратилди

***“Бойсун текс” хусусий корхонасида йилига 10 минг погонметр матога гул босиш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди.***

Банкдан ажратилган 500 миллион сўмлик кредит ҳамда тадбиркорларнинг 125 миллион сўмлик сармояси ҳисобига рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа туфайли 34 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Бойсун туманида жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига салкам 200 та иш ўрни яратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ривожланиш суръатлари – барқарор ва изчил

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келажакда эса маҳсулотлар турини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида 10 кВ ва ундан юқори кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳажмини кўпайтириш, ўнлаб қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, янги қўшма корхона муассислари қаторида Хитойнинг “Holley Meteling Limited” корпорацияси, “Энерготаъмир” махсус таъмирлаш-ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти ва “Elektr hisoblagich” масъулияти чекланган жамияти каби Ўзбекистонда бир неча йиллардан бери самарали фаолият юритаётган корхоналар бор. Бу эса республикамизда чет эллик инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит яратилганининг яна бир далилидир. Хусусан, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 80 фоиздан ортиқни ташкил этгани буни яққол исботлаб турибди.

Ишлаб чиқариш муҳити ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришларни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари яхши ҳис қилишмоқда. Чунки ишбилармонлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, турли имтиёз ва преференцияларга эга бўлмоқда, бизнесни ташкил қилиш тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда, текширишлар камайтирилган ҳолда, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилаётир.

Президентимизнинг шу йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса соҳани янада эркинлаштиришда муҳим ўрин тутади, албатта. Боиси, унда давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш кўзда тутилган. Жумладан, жорий йилнинг 1 августидан 80 та рухсат бериш тартиб-таомили ва 15 та фаолият турини лицензиялашнинг бекор қилиниши ишбилармонлик фаолиятини фаоллаштиришда сезиларли таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.



Биринчи ярим йилликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7,1 фоизни ташкил этди. Айтиш жоизки, Ҳукумат мажлиси арафасида Президентимиз Ўзбекистон ғаллакорларини 7 миллион 170 минг тонналик хирмон яратилгани билан чин дилдан қутлаган эди. Ғаллачиликда қўлга киритилган бундай юксак натижа эса давлатимиз раҳбари томонидан республикамиз дон мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар юксак самара бераётганининг яна бир карра тасдиғидир.

Бу воқеалар маъно-мазмунини бир сўз билан ифодалаш қийин, албатта. Зеро, юқори ҳосилдорлик нафақат давлат эҳтиёжлари учун ишончли захира, балки хонадонларимиз фаровонлиги асосидир. Хусусан, етиштирилган ғалланинг 60 фоизи, яъни 4 миллион 347 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрига қолдирилди. Эътиборлиси, уларнинг кўпчилиги буғдойни қайта ишлаш ва нон маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйиб, қўшимча даромад олаяптилар. Қолаверса, ҳосилнинг бир қисми фермер хўжаликлари ишчиларига тарқатилиши уларнинг турмуши яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бинобарин, фермерлар томонидан шартномадан ортган буғдойнинг кам таъминланган, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилиши эзгу анъанага айланган.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ярим йилликнинг муҳим якунлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари бажарилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Унга кўра, 2012 йилнинг I ярим йиллигида 510,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари, улардан 345 мингтадан ортиғи ёки 68 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил қилингани қайд этилди.

Барқарор иқтисодий тараққиёт суръатлари давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган устувор вазифа — аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт тарзини ошириш учун зарур шароитларни яратмоқда, эзгу мақсадларга эришишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида инқироз туфайли ижтимоий харажатлар қисқатирилаётган бир пайтда мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлиғини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини юксалтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Кўриниб турибдики, биринчи ярим йилликда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида салмоқли натижаларга эришилди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2012 йилги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Иқтисодиётни истиқболда барқарор ва босқичма-босқич ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада ошириш шулар сирасига киради.

**Собир АЛИЕВ.**

# Потсдамда Ўрта Осиёнинг сув ва экология муаммолари муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда мазкур Марказда минг нафардан зиёд мутахассис фаолият юритмоқда. Улар сайёрамиздаги табиий жараёнларни ўрганиш билан боғлиқ бешта йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришади.

Давра суҳбатида Германия геология тадқиқот марказининг илмий ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича фаолият кўрсатадиган халқаро ташкилотлар ва эксперт доираларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Ўрта Осиёдаги мавжуд экология ҳамда сув муаммолари, уларни минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Хусусан, ҳозирги вақтда табиий ресурслар, энг аввало, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақанинг энг жиддий муаммоларидан бири саналиши айтиб ўтилди. Бу борадаги номақбул ёндашувлар тараққиётга халақит бериши баробарида, ихтилофли вазиятлар, баъзан эса экологик ҳалокатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Минтақадаги сув мувозанати бузилишига ёрқин мисол сифатида Орол денгизининг қуриши келтирилиб, тадбирда унинг нафақат Ўрта Осиё халқлари, балки Орол тубидан пестицидлар билан заҳарланган қум зарралари оқими ҳаво орқали кўчиб юриши сабабли Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, бундай мураккаб шароитда минтақанинг энг йирик икки трансчегаравий дарёси — Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимида экологик, ижтимоий ва техноген таҳдидлар жиҳатидан ҳам, дарёлар оқими ҳажми ва тартибини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан ҳам аҳолига жиддий хавф туғдирадиган улкан гидроиншоотларни қуриш лойиҳасини амалга оширишга бўлган интилишлар зарарли ва хавфли ҳисобланиши таъкидланди.

Шунингдек, учрашув чоғида керакли миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор бўлган кичик гидро электр станциялари қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлади, деб ҳисоблайдиган таниқли халқаро экспертларнинг таклифлари ҳам баён этилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан **Германия геология тадқиқот марказининг зилзила таҳдидлари ва улар ҳақида олдиндан огоҳлантириш бўлими раҳбари профессор Й. Цшау** Ўрта Осиё минтақасидаги сейсмология вазияти тўғрисидаги муфассал маълумотларни тўпланганлар эътиборига ҳавола қилди. Учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини минтақанинг сейсмик жиҳатдан фаол эканлигига қаратар экан, профессор, хусусан, Ўрта Осиё табиий офатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган кучли ер ости силкинишлари мунтазам равишда кузатиладиган минтақалардан бири ҳисобланишини таъкидлади. “Шу боис марказимизнинг зилзила таҳдидлари ва улар ҳақида олдиндан огоҳлантириш бўлими фаолияти ушбу минтақанинг сейсмик ҳолатини ўрганишга ҳам қаратилган”, деди у.

Немис олимининг фикрича, Ўрта Осиёдаги уч мамлакат — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонинг қарийб 70 фоиз аҳолиси сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудда истиқомат қилиши сабабли минтақадаги сейсмик хатарларни ҳисобга олмасдан туриб, йирик сув иншоотларини қуриш ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Й. Цшаунинг сўзларига қараганда, Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг оқибатлари минтақада мавжуд сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Германия геология тадқиқот марказининг гидрология бўлими раҳбари Б. Мерц** учрашув қатнашчиларини Марказнинг Ўрта Осиёдаги лойиҳаларни яна кенгайтириш бўйича режалари билан таништирар экан, минтақадаги сув ресурсларининг ҳолати ва иқлимий ўзгаришларни мунтазам равишда кузатиш билан шуғулланадиган ўз бўлими жорий йил кузида Ўзбекистонда янги метрология ва гидрология станцияларини ўрнатишни режалаштираётганини билдирди. Шунингдек, у Германия геология тадқиқот маркази мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

*Транспорт-коммуникация тизимини тараққиётнинг қон томирига қиёслашади. Шу боис истиқлол йилларида мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, уни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари изчил давом эттирилмоқда. Натижада тизим моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бораяпти. Қолаверса, бу шаҳару қишлоқлар ободлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётир.*

## Транспорт хизмати:

# Қулай, арзон, ишончли

Хусусан, юртимизнинг барча ҳудудлари қатори Нукус шаҳри қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди, кўчаю хиёбонлар кўркам тус олди. Шуларга уйғун тарзда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизими ҳам изчил ривожланаяпти.

Бунда шаҳардаги соҳага ихтисослаштирилган 52 та корхонани ўзида бирлаштирган "Нукус транспорти" бошқармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур корхона жамоаси йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари бошқарма фаолиятини ривожлантиришда қўл келмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги "Шаҳар йўловчилар транспортида очиқ тендерлар ташкил этиш ва уларни ўтказиш масалалари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шаҳар йўловчи ташиш йўналишларини очиқ тендерлар орқали жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу эса соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, хизматнинг энг қулай усулларини аниқлаш, шу асосда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга асос бўлаётир. Пировардида йўловчилар тезкор ва қулай хизматдан мамнун бўлмоқда. Қолаверса, янги йўналишларда қатновлар йўлга қўйилиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этилаяпти.

— Ҳозир шаҳримизда йўловчиларга 73 та йўналиш бўйича 966 та енгил автомобиль, 38 та автобус транспорт хизмати кўрсатмоқда,— дейди "Нукус транспорти" бошқармаси бошлиғи С. Туремуратов. — Шу билан бирга, "Самавто" масъулияти чекланган жамиятидан лизинг асосида олиб келинган, маҳаллий шароитларга мос 26 та "Исузу" автобуси қатнови ҳам йўлга қўйилди.



Маълумки, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча қулайлик яратилган. Шу жумладан, Нукус шаҳри касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини куннинг белгиланган пайтларида транспортларда бепул ташиш йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади. "Қорақалпоқ авто Бўрон" масъулияти чекланган жамиятига 25 та "Дамас" русумли автомобиль олиб келиниб, улар шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларга қўйилди.

Булардан ташқари, банкнинг 360 миллион сўмлик кредити ҳисобига яна 5 дона "Исузу" автобусини лизинг асосида харид қилиш режалаштирилган. Яқинда эса 12 та "Газель" русумли автомобиль келтирилиб, қатновлари амалга оширила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, автотранспорт хизматидан фойдаланишда имтиёзларга эга бўлган йўловчилар ҳуқуқларини таъминлаш ҳам бошқарманинг доимий диққат-эътиборида.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги қарорига биноан, жорий йил бошидан шаҳар ҳудудида таксилар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди С. Туремуратов. — Чунончи, йўналишсиз такси хизмати кўрсатувчи 20 та корхонада тушунтириш ишлари олиб борилди. Улардаги 90 дан зиёд таксиларга махсус лицензия ва таксометр берилди. Айни пайтда Нукус кўчаларида қатнаётган сариқ рангдаги бундай бежирим автомобилларни кўрганингизда кўзингиз қувонади. Бу, ўз навбатида, замонавий транспорт хизматини кўрсатиш тизими жадал равнақ топаётганининг яна бир исботидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Нукус шаҳри инфратузилмаси ҳам замон андозаларига мос тарзда мустаҳкамланиб бормоқда. Шунга уйғун равишда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тизими такомиллаштирилаётгани кўзланган эзгу марраларни қўлга киритишга замин бўлаётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

**сайланиш муддати мазкур ўқув йилида тугайдиган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эгаллаш, шунингдек, бўш (вакант) кафедралар мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини жамлаш учун танлов эълон қилади.**

**Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:**

доцент — 1 нафар (фан доктори (номзоди) ёки доцент).

**Юридик фанлар кафедраси:**

доцент — 1 нафар (фан доктори (номзоди) ёки доцент).

**Тиллар кафедраси:**

доцент — 1 нафар (фан доктори (номзоди) ёки доцент), катта ўқитувчи — 1 нафар.

**Информацион технологиялар кафедраси:**

доцент — 1 нафар (фан доктори (номзоди) ёки доцент).

***ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:***

- ректор номига ариза;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 1 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосурат (сўровномага елимланган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширган кунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига
  - фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чопқилинган илмий ишлари ҳақидаги маълумотлар;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:*

**Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси, 210-хона. Телефон: (8-371) 217-44-87.**

1178R/876



Сертификатланган

SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008 Certifed Management System

**НАСОСЛАР**
тайёрлайди ва таъмирлайди

"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

"Д" "А40ГЦ" "НК" "ЭЦВ" "К" "СНЭ"

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz

622R/460



*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

*ўз омборидан такрорий экин учун* **маккажўхори ва чим уруғларини** *таклиф қилади.*



**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

996A/710



**ТАРОЗИЛАР**
**0,0001 гр.дан 250 тоннагача**

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)
МАССА-К Акциядорлик жамияти



**ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА**

**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Ҳукумат поликлиникаси бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

681R/920



**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

130R/97



**РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**шунингдек:**

Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)
**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел./Факс: 267-35-73**
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

694R/



HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



TUCSON

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner · FIFA WORLD CUP Brasil

**DONGNAM UZ MOTORS**
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

1121R/101


## ОБ-ҲАВО (20 июль)



| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +21 +26 | +36 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +34 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +20 +25 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +19 +24 | +35 +40 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +20 +25 | +36 +41 |
| Тошкент шаҳрида | +21 +23 | +37 +39 |

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси "Янгийўлулгуржисавдобаза" МЧЖ раиси Бахтиёр Эрназаровга падари бузруквори **Мирзараҳим ЭРНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## 20 июль — Халқаро шахмат куни

*“Унда ҳамма ғолибликка эришиши мумкин. Асосий гап, ўйиндан завқ ола билишда. Шундагина мағлубият ҳам ҳеч қандай аҳамият касб этмайди”. “Бу ўйиндаги устунлик теран ақл самарасидир”. “У инсон тафаккурини ривожлантиради, аниқ мақсад сари интилишга, қийинчиликларни сабр билан енгиб ўтишга ўргатади”...*

# Юксак тафаккур ва интеллектуал салоҳият

Қарийб икки минг йиллик тарихга эга шахмат ҳақида асрлар давомида шунга ўхшаш минглаб фикрлар, хулосалар билдирилган. Чиндан ҳам, мазкур спорт тури шу қадар жозибадор кучга эгаки, астойдил меҳр қўйган одам унинг сеҳрли оламидан ҳамиша баҳра олади.

Дунёда шахмат билан боғлиқ жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш учун ягона бир ташкилот тузиш ғояси ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган. 1924 йилнинг 20 июлида эса Париж шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси-(ФИДЕ)га асос солинди. Бош қароргоҳи Грециянинг Афина шаҳрида жойлашган ФИДЕ ҳозирги кунга келиб жаҳондаги энг йирик спорт ташкилотларидан бирига айланди. Жумладан, бугунги кунда унга 170 дан ортиқ давлатнинг шахмат федерациялари аъзо.

ФИДЕ жаҳон чемпионатлари, шахмат олимпиадалари ҳамда турнирларини ўтказиш орқали ушбу спорт турини янада оммалаштиришга интилмоқда. 1966 йилдан бошлаб 20 июлнинг “Халқаро шахмат куни” сифатида нишонланиб келиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам. Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёда қарийб 500 миллион киши “ақл гимнастикаси” билан шуғулланади. Халқаро шахмат федерацияси яқин келажакда улар сафини бир миллиардга етказмоқчи. Чунки шахмат ўйновчилар қанча кўпайса, ақл-идрокли, интеллектуал салоҳиятли инсонлар сони ҳам шунча ортади.

Албатта, бу фақатгина ФИДЕнинг хоҳиш-истаги билан рўёбга чиқадиган вазифа эмас. Қаерда спорт соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган бўлса, ўша ерда кутилган самарага эришиш мумкин. Ўзбекистон, шубҳасиз, ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Буни халқаро ташкилотлар кўп бор эътироф этишган ва этишаяпти ҳам. Аҳолимизнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишга бўлган ижобий муносабати, давлатимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, якдиллик билан уни қўллаб-қувватлаётгани бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Истиқлол шарофати билан мазкур спорт турини ривожлантиришга бўлган эътибор кучайиб, шахматчиларимиз ўртасида республика турнирларини ўтказиш анъанага айланди, халқаро мусобақаларга чиқиш учун кенг йўл очилди. Ўзбекистон истеъдодлар юрти экани мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ яна бир карра ўз тасдиғини топди. Жумладан, 1992 йил Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг эркаклар ўртасидаги баҳсларида ҳамюртларимиз кумуш медални қўлга киритишди. АҚШ, Англия, Франция, Швеция каби ўнлаб давлатлардан энг маҳоратли шахматчилар иштирок этган мазкур мусобақадаги муваффақият ёш иқтидорларимиз қалбида улкан орзу-мақсадларнинг қанот ёзишига замин яратди.

Ўзбекистон шахмат федерацияси 1996 йилнинг мартида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг қарийб икки минг аъзоси бор. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ёзги дам олиш масканларида ҳам шахмат тўгаракплари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, “Камолот” шахмат тахтаси”, “Тошкент қиши”, “Тошкент оупен” турнирлари, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида янада тобланишади. Ўзига хос бундай ноёб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз шахматчилари эришаётган ютуқларда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда.



Яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз қобилиятини намойиш қилаётган истеъдодларимиздан бири Рустам Қосимжоновдир. Рустам 10 ёшидаёқ Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. 1994 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб чиққан ва жаҳон биринчилигида бронза медалга сазовор бўлган. Орадан уч йил ўтиб, аниқроғи, 1997 йилда Халқаро шахмат федерациясининг 68-конгрессида унга халқаро гроссмейстер унвони берилган. Аҳамиятлиси, Рустам бу мавқега 18 ёшгача эришган жаҳондаги беш нафар шахматчидан бири ҳисобланади.

2004 йили мустақил Ўзбекистон спорти тарихида яна бир ёрқин воқеа кузатилди. Ливия пойтахти Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи иштирок этган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов ғолибликни қўлга киритди. Унинг ана шу улкан муваффақияти муносабати билан Президентимиз йўллаган табрикда шундай жумлалар бор: “Бу нечоғлик улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз. Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Шахматчимиз ушбу зафарли ғалабаси учун давлатимиз раҳбари Фармонига биноан “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.

2011 йилнинг баҳорида пойтахтимиз ажойиб шахмат мусобақасига мезбонлик қилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз шахмат федерацияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида икки жаҳон чемпиони — ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Мазкур тадбир спортимиз нуфузини ошириш, халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган шахматчиларни тарбиялаш, фарзандларимизнинг шахматга бўлган қизиқишини кучайтириш, қисқаси, ушбу спорт турини янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилди. Бу хайрли ташаббус ФИДЕ томонидан ҳам юксак баҳоланди.

Бугунги кунда Антон Филиппов, Алексей Барсов, Жўрабек Ҳамроқулов, Сайдали Йўлдошев, Андрей Квон, Нафиса Мўминова, Нодира Нодиржонова, Юлдуз Ҳамроқулова, Ольга Собирова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева, Ҳулкар Тоҳиржонова каби маҳоратли шахматчиларимизнинг номи ҳам дунё аҳлига яхши таниш. Улар доимо нуфузли халқаро мусобақаларда энг юқори ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон фарзандлари билим, тафаккур ва иқтидор борасида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келишмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда мазкур спорт турини янада оммалаштириш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Биз мухлислар эса шахматчиларимиздан улкан зафарларни кутиб қолаверамиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

XALQ BANKI

«Standard & Poor‘s»

халқаро рейтинг агентлиги
2012 йил июль ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингларини

B+/B
Барқарор

даражасида тасдиқлади.

1184R/50

## Турнир

*Навоий шаҳридаги “Кимёгар” спорт мажмуасида “Футболимиз келажаги” анъанавий турнирининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.*

# «Футболимиз келажаги»

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ёш футболчилари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Қизиқарли кечган баҳслар якунида мезбон вилоятнинг Ҳаловаттепа маҳалласи ёш чарм тўп усталари биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Қашқадарё вилоятининг Қоратепа маҳалласи футболчилари иккинчи, Самарқанд вилоятининг Ҳовузак маҳалласи ўсмирлари учинчи бўлишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Авто ва кемамоделчилар мусобақаси

*Самарқандда Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий Кенгаши томонидан авто ва кемамоделлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.*

## Инновация

Унда саккиз жамоа илмий-техникавий ишланмалари ва лойиҳалари билан иштирок этди.

Ҳакамлар Андижон вилояти вакиллари яратган моделлар ҳар томонлама мукаммал эканини эътироф этиб, уларни ғолибликка муносиб деб топишди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари жамоаларига насиб этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2011 йил 9 декабрдаги 1-10785-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Х. Ниёзов кўчаси, 13-уйда жойлашган яшаш учун уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.***

**2.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан, 2011 йил 14 ноябрдаги 361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-уйнинг 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 85 437 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 6 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

**Шунингдек, савдога қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

Қибрай тумани СИБ томонидан, 2012 йил 30 январдаги 11-1130/23367-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол (собиқ Ж. Обидова) кўчаси, 22-«А»уйда жойлашган «UBM» х/к 2 қаватли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 148 770 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 21 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги кўчмас мулк 2012 йил 21 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 5 сентябрь куни бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.*

1179R/121

## Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

## Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MChJ

**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

***Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.***

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

563R/1441

**Унутманг!**

***«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.***

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz




**ООО «GST OIL» —**
официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

420R/320

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳих — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5